

---

## "Мазкур йўналишга қаратилган эътибор ва имкониятлар ҳам ўз самарасини бермоқда"

Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларнинг қизиқишларига кўра, уларнинг ижодий имкониятларини янада ривожлантиришга йўналтирилган мусиқа ва санъат йўналишларида фаолиятини амалга оширади.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқувчиларга таълим бериш якка тартибда ёки бир хил ёшдаги ва турли ёшдаги болалар гуруҳларида уларнинг қизиқишларига кўра бир ёхуд бир неча таълим йўналишлари бўйича амалга оширилади.

Бугун ушбу мактаблар ёш талантларни кашф этишда чинакам мактаб вазифасини ўтамоқда.

Гап шундаки, жорий йилнинг 2 ноябр куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Биз бақитты баламыз" деб номланган халқаро кўрик танловда Фурқат тумани 12-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби фортепиано ҳамда дутор синфи ўқувчилари фахрли ўринларни олиб қайтдилар.

Албатта бу ютуқлардан кўринадики мазкур йўналишга қаратилган эътибор ва имкониятлар ўз самарасини бермоқда.

2023-11-03 09:07:30